АНДРАГОГИКАНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

М.Т.Мирсолиева

Мақолада андрагогика ва андрагогик таълим тушунчалари, андрагогик таълимнинг ижтимоий-психологик ҳамда педагогик хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: *андрагогика, андрагогик таълим, компетентлик, креатив, андрагог, касбий ривожланиш.*

В статье разъяснена сущность понятий "андрагогика" и "андрагогическое образование", а также рассматриваются своциально-психологические и педагогические аспекты андрагогического образования.

Ключевые слова: *андрагогика, андрагогическое образование, компетентность, креатив, андрагог, профессиональное развитие.*

The article devoted toandragogics, edication of andragogics, psychology-social and pedagogical aspects of andragogics.

Keywords: *andragogy, providing andragogical education, competence, creativity, adult educators, professional development.*

Глобаллашув ва фан-техниканинг жадал ривожланиши мутахассисларнинг замон талаблари ва касбий-инновацияларга нисбатан тезкор мослашишини талаб қилмоқда. Бугунги кунда мутахассис ўзининг 5-10 йил олдин олий таълим муассасасида олган билимлари билан касбий-шахсий фаолиятини муваффақиятли ташкил эта олмаслиги, меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлай олмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида мутахассисларнинг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали касбий ва шахсий ривожланиш даражасини таъминлаш масаласининг долзарблигини белгилайди.

Илмий йўналишларида "таълимнинг узлуксизлиги ва шахс эҳтиёжларига йўналганлиги" тамойилини илгари сурувчи андрагогика (adult education) ҳам катта ёшлилар таълимининг ўзига хослиги, назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи фан соҳаси сифатида ривожланмоқда.

Катта ёшлиларни ўқитиш назарияси ва амалиёти жаҳон тажрибасида бир неча босқичларни босиб ўтган. Хусусан, XIX асрнинг 30-йилларидан бошлаб Европа ва Американинг кўпгина давлатларида ишлаб чиқаришнинг тез ўсиши, жамият ва ижтимоий ҳаётнинг ривожланиши негизида катталарни ўқитишнинг дастлабки тажрибалари тўплана бошланган [3.15].

XX аср бошларида катта ёшлиларни ўқитиш муаммоси олимлар томонидан инсонни ўрганувчи фанлар тизимига киритилди. Биринчи навбатда бу психологиянинг инсоннинг турли ёш даврларидаги психик ривожланиши жараёни билан боғланди. Аммо бу вақтда инсон ҳаётининг ҳамма босқичида ҳам таълим олиши мумкинлиги ҳақидаги қарашларни асослаш зарурати вужудга келди.

1950-1960 йилларда бир қанча хорижий муаллифларнинг ишларида катталарни ўқитишнинг дидактик ва методик ёндашув муаммолари кўриб чиқилган. Жумладан, аксарият хорижий тадқиқотчилар катталарни ўқитишни педагогик тамойиллар асосида талқин этиб, буни катталар педагогикаси деб атаганлар. 1950-1960 йилларда югослав олими М.Огризович ва Б.Самоловчев (Training Adult Educationists in Yugoslavia. // Convergence. Toronto, 1968. – V), таниқли немис профессори Ф.Пёггелер (Erwachsenenbildung: Einfiihrung in die Andragogik. -Stuttgart, 1974), швейцар назариячи олими Г.Хансельмана (Andragogik: Wesen, Moglichkeiten, Grenzen der Erwachsenenbildung. Ziirich, 1951), поляк олимлари М.Семенски (Andragogija i teorija jbrazovania odraslich. // Obrazovanije odraslich. Warszawa, 1967. - N 3-4), Л.Туросларнинг (The Position of Andragogies in the System of Pedagogical Sciences. // Society and Leisure. Prague, 1971) илмий ишларида «андрагогика» атамаси пайдо бўлди.

Бу муаллифлар андрагогиканинг педагогикадан фарқларини аниқлашга ҳаракат қилдилар. Андрагогиканинг алоҳида фан сифатида шаклланиши ва тикланиши 1970-йилларга тўғри келиб, айнан шу йили катталар таълимининг америкалик назариячи ва амалиётчи олими М.Ш.Ноулзнинг "Катталар таълимининг замонавий амалиёти. Андрагогика ёки педагогика" номли фундаментал иши чоп этилади (Knowles M.S. The Modem Practice of Adult Education. Andragogy versos Pedagogy. - N.Y., 1970).

Адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, дунё олимларининг аксарияти андрагогикани мустақил

фан, илмий йўналиш сифатида педагогик фан тармоғи ҳамда ижтимоий ва гуманитар билимлар соҳаси сифатида талқин этадилар.

Илмий тадқиқотларда андрагогикани турлича – таълим ҳақидаги фан тизимидаги йўналиш, ўқув фани, катталарни ўқитиш ҳақидаги фан сифатида қарашлар кузатилди. Масалан, россиялик тадқиқиотчилар Б.М.Бим-Бад ва С.Н. Гавров (Bim-Bad B.M., Sokolova L.I., Zmeyov S.I. Russia.- In: Perspectives on Adult Education and Training in Europe.- Leicester, NIACE, 1992), Т.А.Василькова (Основы андаргогики, М., 2011), С.И.Змеёв (Андрагогика: основы теории, истории и технологии обучения взрослых.- М., 2007) ва бошқаларнинг илмий ишларида юқоридагиларга қўшимча сифатида катта ёшлилар ижтимоийлашувининг ўзига хослиги, инсон ҳаётининг турли босқичларида таълим олиш имкониятига эга бўлиши, узлуксиз таълим олиш ҳақидаги ғояларнинг асосланиши ҳамда андрагогиканинг мустақил фан йўналиши сифатида қабул қилиниши ёритилади.

Андрогогиканинг анъанавий педагогикадан асосий фарқи таълим бериш жараёнида таълим берувчининг (андрагог – катта ёшли кишилар таълими билан шуғулланувчи шахс) эмас, балки таълим олувчининг фаол позицияда бўлишидир. Бунда таълим берувчининг асосий фаолияти таълим олувчига ўзида мавжуд билимларни янгилаш, янги билим ва кўникмаларни эгаллашга ёрдам бериш ҳисобланади. Чунки янги касбий билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларни ўзлаштириш асосида катта ёшлиларнинг ахборотлашган жамиятга мослашиши ва унда ўз имкониятларини тўлақонли намоён этиши фаоллашади. Бунда катта ёшли таълим субъектларининг ахборотларни қабул қилиши, хотирада сақлаб қолиши, фикрлаш жараёни ёш болаларники ва ўсмирларники каби маҳсулдор эмаслиги ўзига хос қийинчилик туғдирса, улардаги мавжуд тажриба ва нуқтаи назарлар ўзига хос маълумотлар платформаси вазифасини ўтайди. Бундай шароитда катта ёшлиларни ўқитиш нафақат янги билим ва кўникмаларни эгаллаш, балки дунёқараш ва нуқтаи назарларини, ҳаётий тажрибаларини, ижтимоий ва касбий-малакавий кўникмаларини узлуксиз янгилашга қаратилади [5.4-7].

Бугун дунёда катта ёшлиларни ўқитиш масаласи ва касбий қайта тайёрлаш, қўшимча касбий таълим дастурларини ўзлаштиришни истовчи катта ёшлиларни қўллаб-қувватлаш ва уларга шароит яратиб беришга қаратилган давлат ёки халқаро миқёсда ҳам фаолият юритувчи таълим марказлари, институтлар мавжуд. Жумладан, ЮНЕСКО таълим институти (Гамбург), Ҳалқаро таълимни режалаштириш институти (Париж), Халқаро таълим институти (АҚШ), Швейцария катталар таълими ташкилоти, Катталар таълимининг миллий институти (Буюк Британия), Халқаро педагогик тадқиқотлар институти (Германия) шулар жумласидандир [6].

Ўзбекистонда ҳам катталар таълимининг педагогик, ижтимоий-иқтисодий ва юридик асослари шакллантирилган. Жумладан, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сонли Президент Фармонининг қабул қилиниши ҳам мазкур соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ифодасидир.

Эмпирик таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, катта ёшлилар таълими жараёнининг ўзига хос жиҳатларидан бири ўзлаштирилаётган билим, кўникма ва компетенциялар тизимининг касбий ёки ҳаётий жараёнда ўз ўрнини топишга қаратилганлигининг англаниши, мақсаднинг аниқлиги, ўқиш-ўрганишга бўлган мотивациянинг кучлилиги билан тавсифланади. Бу эса таълим жараёнида ўзига хос дифференциал ёндашув, андрагогик тамойиллар, зарурий педагогик шарт-шароитлар ҳамда ўқитиш технологияларини талаб этади.

Замонавий фан андрагогиканинг қуйидаги асосий тамойилларини ажратиб кўрсатади:

1. Мустақил таълим олиш тамойили – бунда катта ёшлиларни ўқитишнинг масофали таълим лойиҳалари етакчи ўринда туради.

2. Ҳамкорлик тамойили – таълим олувчининг таълим жараёнида таълим субъектлари билан интерактив муносабатлари, ҳамкорлиги.

3. Орттирилган ҳаётий тажрибалардан фойдаланиш тамойили – таълим олувчининг ҳаёти давомида орттирган ижобий ҳаётий тажрибаси, амалий билимлари, кўникма ва малакаларини таълим олиш ва янги билимларни ўзлаштиришида асос бўлиб хизмат қилиши.

4. Эскисидан қутулиш тамойили – янги билим, кўникма, малакаларни ҳамда компетенцияларни эгаллашга тўсқинлик қилувчи эски қарашлардан воз кечиш.

5. Индивидуаллик тамойили – ўқитишда таълим олувчининг эҳтиёжлари, ижтимоий-психологик ўзига хослигини, касбий статуси ва фаолиятини инобатга олган ҳолда индивидуал ёндашиш.

6. Эркинлик тамойили – таълим олувчига мақсадни танлаш, таълим шакли, методи, манбалари, муддати, вақти, таълим олиш жойи ва ўқитишнинг натижаларини аниқлашда эркинлик беришни назарда тутади.

7. Онглилик тамойили – ушбу тамойил таълим олувчининг таълим олишга онгли ёндашувини шакллантириш асосида жараёнга нисбатан фаол-позитив мотивациянинг ривожланишига асос бўлади.

8. Амалий натижа тамойили – таълим олиш жараёнида таълим олувчи олаётган билим, кўникма, компетенцияларни касбий фаолиятида қўллай олиш.

9. Тизимли ўқитиш тамойили – бу тамойил таълимнинг мақсадига қараб таълим мазмуни, шакли, методлари, ўқитиш воситалари ва натижани тизимли ташкил қилишни назарда тутади.

10. Долзарблик тамойили – бу тамойил ўзидан олдинги тамойилларни тўлдириб, эгалланган янги билим, кўникма ва компетенциялар мутахассиснинг касбий-шахсий ахборот майдонини лойиҳалашда муҳим омил эканлигини назарда тутади.

11. Ривожлантириш тамойили - таълим олиш шахсни камолотга етказишга, яширин иқтидорини юзага чиқариш, мунтазам ўз устида ишлашга, амалий фаолият жараёнида янгиликларни ўзлаштиришга, бир сўз билан айтганда, мутахассиснинг инновацион компетентлигини шакллантиришга қаратилади [2.12-14].

Андрагогика катта ёшлиларни ўқитиш тамойиллари асосида иш олиб борар экан, кимларни “катта ёшлилар” деб ҳисоблаш мумкинлиги ҳақида ҳам турли қарашлар мавжуд.

Маълумки, ёш даврлари психологиясида ёш категориялари болалик, ўсмирлик, етуклик, қарилик каби даврларга ажратилса, психофизиологияда инсоннинг хронологик ёши ва биологик ёши ажратилади.

Хронологик ёш инсоннинг дунёга келган кунидан йил ҳисобидаги ёши бўлса, биологик ёш инсоннинг ўсиши, ривожланиш поғонаси билан белгиланади. Шахс ривожланиши жараёнида хронологик ёш билан биологик ёш бири-бирини тўлдириб борса, баъзида бунинг акси ҳам кузатилади. Чунки воқеликни тўлақонли ва бутун идрок қила олган инсонларгина катта ёшли деб ҳисобланади.

Болалик ва ўсмирлик давридан ўтиб улғайиш даврига қадам босган инсоннинг ҳаётга муносабати ўзгаради, ҳаётий жараёнларга нисбатан ўз нуқтаи назари шаклланади ва энди унда ўз ҳаракатлари учун маъсулият ҳисси кучаяди. Бундай ҳолатнинг вужудга келишида, табиийки, инсоннинг маълумоти ҳам катта роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан андрагогикада “умр бўйи ўрганиш” тушунчаси қўлланади ва бу воқеликни тўғри изоҳлайди.

Шунингдек, катта ёшлилар билан ишлашда қуйидаги омилларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ саналади.

Психофизиологик омил. Баъзи катта ёшли одамларда янги билимларни ўзлаштира олиши борасида шубҳа бўлади. Бу шубҳалар ёш улғайиши билан инсонда ақлий салоҳият секинлашиши, хотиранинг пасайиши ҳақидаги қарашлар билан боғлиқ. Лекин олимлар томонидан, ҳамма ёшда ҳам ўқиш, ўрганиш мумкинлиги исботланган.

Ижтимоий-психологик омил. Катта ёшлиларнинг таълим жараёнидан кутувлари ва мақсадининг аниқ бўлиши уларда ўқиш-ўрганишга бўлган мотивациянинг кучлилигини кўрсатади. Аммо баъзилар қайтадан “ўқувчилик” мақомига тушиш, ўзларининг лаёқатсиздек кўриниб қолишидан қўрқишади. Улар бу жараёнларга ҳар доим ҳам психологик тайёр бўлмайдилар.

Ижтимоий тўсиқ. Катта ёшли одам таълим жараёнида иштирок этар экан, у олаётган хизмати (билимлар, маълумотлар)нинг сифатли бўлишига нафақат жиддий эътибор қаратади, балки ўзи учун қизиқарли ёки керак бўлмаган билимларни рад этади, ўзининг муносабати ёки норозилигини очиқ билдиради, чунки ўрганилаётган билим ва кўникмаларга эга бўлишдан унинг ўзи манфаатдорлигини яхши тушунади. Бу эса таълим сифатига янги талабларни қўяди. Шу сабабли андрагог таълим бериш жараёнида катта ёшли ўқувчининг ўзига хослиги, дунёқараши, ижтимоий статуси ва бошқа жиҳатларига эътибор қаратиши зарур.

Психологик-педагогик омил. Баъзи инсонларда умр бўйи ўқиб, ўрганиш кераклиги ҳақидаги қараш шаклланмаган ёки инсон ўзини умр бўйи ўқиб ўрганишга, янгиликларни қабул қилишга лаёқатли эканлигини тўғри баҳолай олмайди. Шунинг учун ҳам катта ёшлилар таълими жараёнида уларнинг ўз имкониятларини тўлақонли намоён этишлари учун қулай шарт-шароитнинг яратилиши ва бунда жараён эркин интерактив мулоқот майдони, муваффақиятга йўналтирилган бўлиши, ўқитишда амалий-ишбилармон ўйинлар, тренинглар, дебатлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, андрагогика шахснинг нафақат ижтимоий-психологик ривожланиши, унинг жамият талабларига мослашиши, балки мутахассис сифатида мунтазам ўз устида ишлаши ва ривожланишида ҳам муҳим ўрин тутади. Бу эса андрагогика назарияси ва амалиёти, истиқбол йўналишларига қаратилган илмий тадқиқот ишларини фаоллаштириш; катталар таълимини ташкил этишнинг методик таъминотини такомиллаштириш, мустақил таълим имконини берувчи электрон таълим (online) ресурсларини яратиш; қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари орқали катта ёшли таълим субъектларининг креатив фаоллик ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги компетентлигини ошириш масалаларига янада кенгроқ эътибор қаратиш жамият ва унинг турли соҳаларидаги тезкор тараққиёт ва ўзгаришларга аҳолининг, айниқса, катта ёшлиларнинг мослашуви, дунёқараши ва фаол ҳаётий позициясининг мустаҳкам ривожланишида ўзининг ижобий натижаларини беради.

Адабиётлар:

1. Ишмуҳамедов Р., Мирсолиева М.Т., Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: Фан ва технологиялар , 2014. – 60 б.

2. Колесникова.И.А. Основы андрогогики. М.: Академия, 2007.- 120 с.

3. Змеев С.И. Основы андрогогики: Учебное пособие для вузов. - М.: Флинта: Наука, 1999.- 150 с.

4. Folk High School in Europe – an important part of free adult educationand personal growing. Kaunas, 2003

5. Hayden M. «Professional Development of Educators: the International Education Context». The SAGE Handbook of Research in International Education. 2007. SAGE Publications.

6. www.education.unesco.org

ОЎМТВ ҳузуридаги БИММ,
2016 йил 4 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Н.А.Муслимов)